

## **ХИТОЙ ВА ЭРОН ТОМОНИДАН МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИДА “ЮМШОҚ КУЧ” СИЁСАТИНИНГ ҚҮЛЛАНИЛИШИ**



10.24412/2181-1784-2021-1-719-724

**Ходжимуратова Д.С.**

Тошкент давлат шарқшунослик университети таянч докторанти

**Аннотация.** Мақолада Хитой ва Эроннинг Марказий Осиё республикалариға нисбатан ташқи сиёсатида “юмшоқ куч” элементларидан фойдаланиши ўрганилган. Хитой ва Эроннинг мазкур сиёсати Марказий Осиё давлатлари таълим тизимига таъсири мисолида таҳлил қилинади. Марказий Осиё республикаларининг мазкур давлатлар томонидан минтақада амалга оширган ташқи сиёсатига муносабати ўрганилади, шунингдек, ушбу давлатлар таълим бозоридаги иштироки таҳлил қилинади. Хусусан, Қиргизистон таълим бозорида Хитой ва Эрон иштирокининг ошганлиги қиёсий ўрганилади. Мақолада Марказий Осиё республикаларининг таълим соҳасидаги сиёсатининг ўзига хос хусусиятлар таҳлил қилинар экан, уларга нисбатан Хитой ва Эрон томонидан амалга оширилган оммавий дипломатиянинг асосий йўналишилари очиб берилади. Шунингдек, Хитой ва Эрон минтақа давлатлари билан ҳамкорликда таълим ва маданият соҳасида қатор лойиҳаларни амалга ошириши орқали Марказий Осиёда “юмшоқ куч” сиёсатини қўллай олиши имкониятлари ва амалга ошириши ресурслари, механизmlари ҳам ўрганилган.

**Калим сўзлар:** Хитой, Эрон, таълим сиёсати, “юмшоқ куч”, ташқи сиёсат, таълим тизими, Марказий Осиё, Конфуций институти.

**Annotation.** The article examines the use of "soft power" elements in the foreign policy of China and Iran towards the Central Asian republics. This policy of China and Iran will be analyzed on the example of the impact on the education system of Central Asian countries. The attitude of the Central Asian republics to the foreign policy of these countries in the region, as well as the participation of these countries in the education market will be analyzed. In particular, a comparative study of China and Iran participation increase in the Kyrgyz education market. The article analyzes the specifics of the education policy of the Central Asian republics in the field of education, reveals the main directions of public diplomacy pursued by China and Iran. It also explores the possibilities and resources and mechanisms for

*implementing a "soft power" policy in Central Asia through the implementation of a number of projects in the field of education and culture in cooperation with China and Iran.*

**Key words:** *China, Iran, education policy, "soft power", foreign policy, education system, Central Asia, Confucius Institute.*

Охирги йиллар минтақа ва халқаро майдонда фаол ташқи сиёсат олиб бораётган давлатлар ўз миллий манфаатларини илгари суришида "қаттиқ куч" деб номланувчи анъанавий босим усусларининг ўрнига "юмшоқ куч" концепциясидан кенг фойдаланиши тобора оммалашиб бормоқда. "Қаттиқ куч" сиёсати давлатларга нисбатан муайян бир фикрни мажбуран сингдиришга қаратилган бўлса, "юмшоқ куч" сиёсати эса давлатларни ўз ихтиёри билан керакли йўналишда ҳаракат қилишига ва эргаштиришга эришиш йўлида самарали натижа бермоқда"<sup>[1]</sup>. Ушбу назарияга кўра, маданий, ижтимоий-сиёсий омиллар ҳамда ички ва ташқи сиёсатнинг мақсадли амалга оширилиши орқали керакли сиёсий натижаларга эришиш мумкин. Мазкур омилларнинг моҳирона қўлланилиши мамлакат имиджининг ташқи майдонда ошишига хизмат қиласи ва ташқи сиёсатнинг "юмшоқ куч" деб номланадиган ўзига хос ресурсини шакллантиради. Давлатнинг "юмшоқ кучи" унинг маданияти, қадриятлари, сиёсий ва ижтимоий дастурларининг жозибадорлигига асосланади<sup>[2]</sup>. "Юмшоқ куч" муайян бир давлатнинг бошқа мамлакатларда оммавий ахборот воситалари таъсири натижасида ижобий образининг шаклланишидир"<sup>[3]</sup>.

Сўнгги йилларда Хитой раҳбарияти ички ва ташқи сиёсатида "юмшоқ куч" дан фаол фойдалана бошлади. Хусусан, Хитой ҳукумати Ху Цзинтаонинг ҳокимиятга келиши билан жаҳон ҳамжамиятига таъсир кўрсатадиган ноанъанавий воситаларнинг ролини жиддий қўриб чиқа бошлади. Шу даврдан бошлаб Хитойнинг жаҳон миқёсида ижобий имиджини шакллантириш йўналишига янгича урғу берила бошланди. Эндиликда Хитой ташқи сиёсатида тинчликни қўллаб-куватлашга қаратилган, бир қутбли дунё ва куч ишлатар сиёсатга қарши турувчи тус берди.

Ху Цзинтаонинг Хитой Коммунистик Партияси Марказий Қўмитасининг 17-курултойида сўзлаган маъruzасида "юмшоқ куч" масаласига алоҳида урғу берилди. Хусусан, маъruzада "хозирги кунда маданият ҳокимиятда рақобатнинг тобора муҳим элементига айланиб бормоқда ва мамлакат ичидаги маданиятнинг ривожланиши унинг халқаро таъсириининг кучайиши билан бирга

олиб борилиши керак" дейилган[4]. Натижада, ХХР раҳбарияти давлатнинг осуда ривожланиши ҳақидаги шиорини илгари сурган ҳолда, жаҳон жамоатчилик фикрини жалб этишга мўлжалланган бир қатор ташки сиёсий дастурларини ишлаб чиқди. Мисол тариқасида “оммавий дипломатия”, “периферик дипломатия” каби янги сиёсий ташабbusларни келтириш мумкин. Хитой хукумати томонидан Коммунистик партияning дастурига “юмшоқ куч” концепцияси кирилганидан сўнг Хитой маданиятини қўшни давлатларга фаол эксперт қилишга қарор қилинди.

Шуни айтиш жоизки, XXRнинг иқтисодий қудрати ошиши билан дунё миқёсида, айниқса, унга ҳудудий жиҳатдан қўшни бўлган Марказий Осиё республикаларига нисбатан таъсир доирасини кенгайтириш учун яхши имкон яратилмоқда.

Бугунги кунда Марказий Осиё минтақаси минтақавий ва минтақавий бўлмаган ўйинчилар ўртасида муайян сабабларга кўра жиддий рақобатни келтириб чиқармоқда. СССР парчаланиб кетганидан бўён Марказий Осиё минтақаси нафақат углеводородларнинг катта захираларига эга, балки бозор сифатида ҳам муҳим аҳамият касб эта бошлади. Минтақанинг қулай геостратегик жойлашуви ва Марказий Осиё давлатларининг транзит салоҳияти бу минтақада турли халқаро акторларнинг манбаатларини илгари суришни тақозо қиласди.

Расмий Пекин таълим инсонларнинг тафаккурига таъсир этувчи асосий омиллардан бири эканлигини инобатга олган ҳолда ўзининг “юмшоқ куч” сиёсатини амалга оширишга катта эътибор беради. Шу муносабат билан мазкур қадриятлар тизимиға эга ижтимоий гурухни шакллантириш минтақада ўз манбаатларини мажбурлаш орқали эмас, балки ўзаро келишув асосида илгари суриш борасидаги давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. ХХР мамлакат ташки сиёсатини амалга ошириш доирасида Марказий Осиё республикаларининг таълим тизимиға ўз таъсирини ўтказишга интилади. Бунда Конфуций институти алоҳида ўринга эга. Мазкур институт нафақат хитой тилини ўқитиши, балки хитой маданиятини тарғиб қилувчи фаолият олиб боради.

Марказий Осиё республикалари ичida Конфуций институти дастлаб Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузурида 2005 йил ташкил этилди. 2013 йилга келиб, Самарқанд шаҳрида ҳам мазкур институт фаолияти бошланди. Ҳозирги вақтда Қозогистонда 4 та Конфуций институти фаолият юритиб келмоқда. Тожикистанда Конфуций институти ушбу республиканинг

миллий университетлари хузурида ташкил этилган. Бугунги кунда фақат Туркманистанда ҳануз Конфуций институти мавжуд эмас, аммо Хитой университетларида 2 мингдан ортиқ туркман талабалари таҳсил олмоқда.[8]

Қирғизистонда сўнгги йилларда Хитой тилини ўрганаётган ҳамда, Хитойга ўқиш учун кетаётган талабалар сонининг қўпайиши кузатилмоқда. Қирғизистон Республикаси Таълим ва фан вазирлигининг маълумотларига кўра, хитой тили мамлакатнинг 8 та энг йирик университетларида ўқитилади: Бишкек гуманитар университети, Қирғизистон миллий университети, Қирғизистон давлат университети, Қирғизистон-Россия Славян университети, Норин давлат университети, Ўш давлат университети, Ўш технология университети, шунингдек, Ўш гуманитар педагогика институти ва Ўш давлат университети қошидаги Билим литсейида[10].

Самарали ва ижодий фаолияти учун Ўш давлат университети хузуридаги Конфуций институти 2017 йилнинг энг яхши институт деб топилди. Жусуп Баласагин номидаги Қирғиз миллий университети мамлакатдаги хитой тили ўқитиладиган энг йирик олийгоҳлардан бўлиб, у ерда 1300 талаба қирғиз-хитой факультетида таҳсил олади. 2017 йилда уларнинг 100 нафари Хитойда грант асосида ўқишга борди.

Марказий Осиёда Хитой “юмшоқ куч” сиёсатининг самарали амалга оширилаётганлигини минтақа республикаларида Конфуций институтларининг фаолиятида кўриш мумкин. Хусусан, Қозоғистондаги Конфуций институтларида жами 14 мингдан ортиқ, Тошкентдаги мазкур марказда эса йилига 2 мингга яқин талабалар таҳсил олмоқдалар[6].

Эрон ҳам қадимдан Хитой каби ўз маданиятини қўшни минтақаларга тарқатишга ҳаракат қиласди. Буни "юмшоқ куч" сиёсати компонентларининг биридан фойдаланиш деб баҳолаш мумкин. Марказий Осиё республикаларининг геостратегик нуфузи тобора ортиб борган сари минтақада Эрон томонидан ўз миллий манфаатларини илгари суришни тақозо қилган. Эрон ўзининг изчил ташқи сиёсий концепциясини амалга ошириш йўлида Марказий Осиёда ўз сиёсий таъсирини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга интилади. Ушбу стратегия Эрон томонидан Тожикистон ва Қирғизистон йўналишларида изчил амалга оширилмоқда. Этномаданий яқинлик, шунингдек, минтақа аҳолисининг салмоқли қисми форсийзабон эканлиги Эронга Марказий Осиё республикаларига нисбатан “юмшоқ куч” сиёсатини кенг татбиқ этиши учун қулай имкониятлар яратади. Ҳозирда минтақа давлатларидан Қирғизистон

маданият ва таълим соҳаларида Эрон билан изчил алоқаларни ривожлантирумокда.

Эрон ўз маданиятини Марказий Осиёда тарғиб қилиш, ахоли ўртасида мамлакатнинг ижобий имиджини шакллантириш учун минтақа республикаларида Эроннинг маданият ва тил ўқитиш марказларини ташкил этиш орқали амалга оширишни режалаштирган. Мазкур стратегияни амалга оширишда Эроннинг “Саъдий” жамғармаси фаолияти алоҳида аҳамиятга молик.

“Саъдий” жамғармаси 2012 йилда Эрон ташқи сиёсатининг стратегик мақсадлари асосида ташкил қилинган бўлиб, хорижий мамлакатларда таълим, илмий тадқиқот, маданият ва медиа соҳасида фаолиятни ташкил қилиш орқали “юмшоқ куч” сиёсати ресурсларидан фойдаланишни кўзлаган[9].

Мазкур фонд форс тили ўқитувчилари малакасини ошириш, зарур ўкув адабиётларини яратиш билан бирга ҳар йили чет элликлар учун форс тилини ўқитиш бўйича ўкув курслари ва маҳсус дастурлар ташкил этади.

2017 йилдан Эрон ва Қирғизистон ўртасидаги алоқаларнинг фаол ривожланиши қайд этилмоқда. Эрон ташқи сиёсатининг “юмшоқ куч” ресурслари Қирғизистоннинг маданият ва таълим соҳасига сафарбар этилган. Эроннинг Бишкекдаги элчихонаси ҳузурида фаолият юритувчи Эрон маданият маркази “юмшоқ куч”ни амалга оширишда муҳим ўрин тутади[5]. Шунингдек, бугунги кунда Қирғизистоннинг етакчи олий таълим муассасаларида, хусусан, Бишкек гуманитар университети, Ташқи ишлар вазирлиги Дипломатик академияси, Қирғизистон-Россия Славян университетида Эрон маданият марказлари очилган. Эрон ушбу марказларни зарур моддий-техник воситалари ва ўкув адабиётлари билан таъминлаб боради. Шунингдек, Эроннинг Қирғизистондаги элчихонаси ислом динига оид фундаментал асарларни қирғиз тилига таржима қилиш ишларини молиялаштиради[5].

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакка, Марказий Осиё республикаларига нисбатан Хитой ва Эрон амалга ошираётган “юмшоқ куч” сиёсати мазкур минтақа аҳолисини хавотирга тушишга сабаб бўлмоқда. Хусусан, минтақанинг қатор давлатлари учун иқтисодий ҳамкор ва инвесторга айланган Хитой охир оқибатда бу давлатларни оғир молиявий аҳволга солиб қўйиши, кейинчалик эса ҳарбий ва сиёсий қарамликка дучор этишидан хавотирга тушаётган бўлса, Эрон сиёсий тизимининг диний моҳияти доим Марказий Осиё республикаларини хавотирга солиб келган. Бу ўз навбатида, Хитой ва Эроннинг “юмшоқ куч” сиёсати учун ўзига хос тўсиқ вазифасини ўтайди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Nye J. S. Soft Power : The Means to Success in World Politics. Public Affairs. — 2004. P. 5.
2. Бобыло А.М. «Мягкая сила» в международной политике: особенности национальных стратегий // Вестник Бурятского государственного университета. —2013. —№ 14. —С. 129—135.
3. Kazantsev A.A. and Merkushev, V.N. (2008), “Russia and Post-Soviet Space: the Prospects for the Use of “Soft Power”, Polis, no. 2. pp. 122–135.
4. Чжэньпэн Лян. Культурная дипломатия Китая в Центральной Азии в XXI веке на примере институтов Конфуция // Азиатско-Тихоокеанский регион: экономика, политика, право. — 2017. — № 1. — С. 33–46.
5. Гарбузарова Е.Г. Инструменты «мягкой силы» Ирана в Кыргызстане // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Политология. —2020.— № 1. —С. 26.
6. Габриелян Г.Р. Влияние политики «мягкой силы» на укрепление роли КНР в государствах Центральной Азии // Постсоветские исследования. Т. — 2021. — № 1. — С. 63–69.
7. Данилов В.Д. Проблемы культурно-гуманитарного сотрудничества КНР со странами центральной азии (на примере Киргизии).  
<file:///C:/Users/Lenovo/Downloads/problemy-kulturno-gumanitarnogo-sotrudnichestva-knr-so-stranami-tsentralnoy-azii-na-primere-kirgizii.pdf>
8. Руслан Изимов: "Мягкая сила" Китая - на прицеле Центральная Азия.  
<https://regnum.ru/news/economy/1759411.html> (фойдаланиш вақти: 14.10.2021).
9. “Саъдий” жамғармаси расмий сайти.  
<https://saadifoundation.ir/en/page/280/objective-and-duties>. (Фойдаланилган вақт: 20.07.2021)
10. Механизмы «мягкой силы» Китая в Кыргызстане.  
<https://eurasia.expert/mekhanizmy-myagkoy-sily-kitaya-v-kyrgyzstane/>. (Фойдаланган вақти: 10.10.2021).